

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И (КЎЧИРМА)

2024 йил декабрь ойининг 26 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биносида, видеоконференцалоқа режими орқали тафтиш инстанциясининг очик суд мажлисида, вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Ш.Бахтиёровнинг раислигида, ҳайъат судьялари С.Сувонкулов ва М.Очиловадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Х.Каримов, оқланган Н.Қурбонов ва унинг ҳимоячилари-адвокатлар Р.Турсунов ҳамда М.Турсуновнинг иштирокида, суд қарорларига нисбатан Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари томонидан билдирилган протестни жиноят иши билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Қизирик судининг 2012 йил 15 ноябрдаги ҳукмига асосан:

Қурбонов Нодирбек Ҳазраткулович, 1981 йил 28 майда Бойсун туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Ангор туман ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари лавозимида ишлаган, Термиз шаҳар, Беруний кўчаси, 19-уй, 15-хонадонда яшайди, иш бўйича 2012 йил 27 август кунидан “қамок” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 208-моддаси билан ЖКнинг 45-моддаси тартибида 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 241<sup>1</sup>-моддаси билан иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ЖКнинг 45-моддаси тартибида 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг ўн



беш фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2012 йил 11 декабрдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори 2-бандига асосан иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган.

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 7 июндаги ҳукмига асосан, жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2012 йил 15 ноябрдаги ҳукми ва шу суднинг 2012 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрь кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори 2-бандини қўллаш ҳақидаги ажрими бекор қилиниб, Н.Қурбоновнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 208-моддаси, 241<sup>1</sup>-моддаси, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 205-моддаси 2-қисми “в” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларга дахли бўлмаганлиги сабабли, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 3-бандига асосан ҳаракатдан тугатилиб, Н.Қурбонов реабилитация этиш йўли билан оқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 510, 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига асосан, тафтиш инстанцияси суди

#### А Ж Р И М      Қ И Л Д И:

Қурбонов Нодирбек Ҳазраткуловичга нисбатан чиқарилган Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 7 июндаги ҳукми ўзгаришсиз, протест қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Бахтиёров

Ҳайъат судьялари

С.Сувонқулов

М.Очилова

